IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245
MAXSUS SON . VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

# ДУТОР ЧОЛҒУСИДА АНЬАНАВИЙ ВА АКАДЕМИК ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАРҚЛАРИ



| | |
|---|---|
| Muallif | **Юсупжонова Дилфузахон Олимжон қизи** |
| O’qish yoki ish joyi | **Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети “Вокал ва чолғу ижрочилиги” кафедраси 3 босқич талабаси** |
| Qabul qilindi | **10.09.2023** |
| Nashr qilindi | **11.09.2023** |



Аннотатция

Мақолада миллий чолғу созларидан саналган дутор чолғусининг яралиши, ижро услублари, такомил босқичлари хақида маълумотлар берилган. Анъанавий ижрочилик узоқ асрлик тарихга эга бўлиб, хозирда бу йўналишдан академик ижрочилик услуби хам йўлга қўйилди. Дутор чолғусида ушбу икки йўналиш устоз шогирд анъанаси орқали барқарор ривожланиб келмокда. Мазкур мақолада анъанавий ижрочилик санъатининг мазмун-мохияти очиб берилди. Хамда ижтимоий ва педагогик тахлил қилинди.

Калит сўзлар

анъанавий ижрочилик, академик ижрочилик, анъана, фолклор, тафаккур, мумтоз.

Abstract

The article provides information about the creation, performance methods, stages of development of the dutar, which is one of the words of the national instrument. Traditional performance has a long history, and now the style of academic performance has been established in this direction. In the dutar, these two directions are developing steadily through the tradition of the teacher-student. This article explains the essence of traditional performing arts. Social and pedagogical analysis was also performed.

Keywords

traditional performance, academic performance, tradition, folklore, contemplation, classic.

Традиционные и академические исполнительские навыки и их различия на дуторном инструменте

Аннотация

В статье представлена информация о создании, способах исполнения, этапах развития дутара, являющегося одним из слов национального инструмента. Традиционное исполнение имеет давнюю историю, и в настоящее время в этом направлении утвердился стиль академического исполнения. В дутаре эти два направления неуклонно развиваются через традицию учителя-ученика. В данной статье объясняется сущность традиционного исполнительского искусства. Также был проведен социально-педагогический анализ.

Ключевые слова

традиционное исполнение, академическое исполнение, традиция, фольклор, созерцание, классика.

## Кириш

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти кўп асрлик тарихга эга бўлиб, у кўпчилик созанда ва хонандалар авлодининг фаолиятида қарор топган анъанавий мусиқа санъати эканлиги хақида

гувохик беради. Анъанавий мусиқа бу бадиий жараён бўлиб, унга халқ томонидан яратилаган, асрлар оша бизгача етиб келган халқ мусиқа ижоди ёки мусиқа фолклори ва етук созанда бастакорлар томонидан ижод этилган мумтоз мусиқаси киради. Бу ижодиёт намуналари оғзаки анъанада сақланиб, сайқал топиб, баркамол мусиқа асари сифатида ривожланиб келмоқда.

Ўзбек мумтоз мусиқаси ўтмишдан ўзининг теран маънога эга эканлиги, мураккаб ва мукаммаллиги ҳамда беқиёс анъаналарни ўзида мужассам этганлиги билан ўзга халқлар мусиқасидан тубдан ажралиб туради. Мазкур мусиқа ижодиётида халқининг ўтмиш анъаналари, бой ва теран маъноларга асосланган тарихи мухрланган. Уларнинг ҳар бир намунаси тарихдан бир садодир. Бинобарин, уларни қанчалик ўрганмайлик, қанчалик сирларидан вофиқ бўлмайлик, шунчалик янги қирралари очилиб, ўзининг беназир хусусиятларини намоён этади.

Асосий қисм

Ўзбек анъанавий мусиқаси ўтмишдан икки йўналиш, яъни бир-биридан пайдо бўлувчи ва бир-бирини тўлдирувчи, шу билан бирга ўзининг алохида хусусиятлари ва сифатларига эга бўлган йўналишлардан ташкил топган. Булар биринчиси, мусиқа фольклори бўлса, иккинчиси ижодкорларнинг мусиқий тафаккури билан тўлдирилган мумтоз мусиқа йўналишидир. Хар икки йўналишнинг ўзгача услуби, йўналиши, хисоби бор.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин жамият тараққиёти, илм-фан, техника, спорт ва маданият каби барча соҳаларда туб ислоҳотлар ўтказилиб, жуда кенг кўламда хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, санъат ва маданият йўналишларини ривожлантириш, бу йўналишлар бўйича таълим тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, кўрилаётган чора тадбирлар, амалга оширилаётган ишлар фикримизнинг далилидир.

Тарихдан маълумки, мусиқа ижрочилик санъати қадим даврлардан буён мавжуд бўлиб, бизгача узоқ, тараққиёт йўлини босиб ўтган ҳолда, ўзининг ҳозирги мукаммал кўринишида етиб келди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Фаробий ўзининг “Катта мусиқа китоби”да, Сафиуддин Урмавийнинг мусиқий рисоласида, Абдулқодир Марағийнинг “Жами ал-алхон фи-илм ал-мусиқий” рисоласида, Ахмадийнинг “Созлар мунозараси” номли асарида, Зайнуллобиддин Хусайний “Рисолаи дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” рисоласида, Амулий “Мусиқий рисола”ларида мусиқа чолғуларини ўрганиш билан бирга,уни тадқиқ этиш масалалари ҳам тўхталиб ўтганлар ва ўз даврларнинг мусиқий чолғулари ҳақида маълумотлар беришган.

Хозирги кунда ижро этилаётган ялла, ашула, катта ашула, достон, чолғу куйлари ва мақомлар миллий мусиқанинг етук жанрлари хисобланади. Мумтоз мусиқа деганда, миллатга, яъни, ўзбек халқига мансуб, унинг етук созанда бастакорлари томонидан асрлар давомида яратилаган мусиқа санъати намуналари кўзда тутилади. Ушбу мусиқа бошқа мусиқа ижодиёти намуналаридан бир неча ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади.

Ўзбек анъанавий мусиқаси ўтмишдан икки йўналиш, яъни бир-биридан пайдо бўлувчи ва бир-бирини тўлдирувчи, шу билан бирга ўзининг алохида хусусиятлари ва сифатларига эга бўлган йўналишлардан ташкил топган. Булар биринчиси, мусиқа фольклори бўлса, иккинчиси

ижодкорларнинг мусиқий тафаккури билан тўлдирилган мумтоз мусиқа йўналишидир. Хар икки йўналишнинг ўзгача услуби, йўналиши, хисоби бор.

1.Оғзаки ижодкорлик мумтоз мусиқа халқ томонидан яратилиб, оғиздан оғизга, авлодан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб келган ижод махсулидир. Қадим замонлардаилк бор мусиқа намуналари омма(халқ) томонидан ижод қилинган.

2. Анъанавийлик мумтоз мусиқа намуналари анъана сифатида сақланиб, ривожланиб келмоқда.

Оғзаки анъанадаги професионал мусиқа деганда мураккаб холатда ривожланган қўшиқ ва ашулалар, мақомларни инобатга оламиз. Анъана деганда узоқ вақт давомида халқ тажрибасидан ўтиб, одат тусига кирган тадбир ёки хусусият тушунилади. Анъана ўзига хос ижтимоий ходиса бўлиб, кишиларнинг онгида, хаётида ўз ўринни топган, авлоддан авлодга ўтадиган, такрорланадиган, хаётнниг барча сохаларида қаъбул қилинган тартиб ва қоидалар силсиласидир[1,8].У кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддутда такрорланиб турувчи хатти харакатдир, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ атвор қоидалари ва кўникмалар, урф одат ва маросимлар йиғиндисидан иборатдир.

Ҳар бир халқ ўз миллий мероси, анъаналарини миллий оҳанглар орқали тараннум этувчи ва халқнинг миллий маънавиятига хос яратилган амалий санъат намуналари воситасида уларга мос келувчи чолғу асбобларига эгадирлар. Ўзбек мусиқий чолғулар олами хусусида маънавий ва моддий нуқтаи назардан бой хамда ранг-баранг эканлигини эътироф этиб ўтиш лозимдир. Қолаверса, қайсики халқнинг маънавияти буюк бўлса, унинг тарихи ва унга мос мероси хам улкандир[2,32].

Ўзбек миллий мероси мусиқий чолғуларга бой ва уларнинг хар бири узоқ ўтмиш, таркибий ривожланиш ва техникавий такомиллашиш жараёнидан ўтганлиги билан алохида ахамият касб этади[3,9].Ана шундай чолғуларидан бири – дутордир.

Дутор – ўзбек анъанавий чертим чолғу созларидан бири.Узоқ ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётидан муносиб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айни пайтга келиб анъанавий ижро услубига хос барча гуруҳлар таркибидан жой олган. Анъанавий якканавоз чолғу сифатидашаклланган ва бугунги кунда чолғулар қаторига киради.

Дуторни ўз номини ва унинг барча (шаклий, таркибий, ижровий) имкониятлари билан илк бор XV асрда яшаб ижод этган мусиқашунос олим Зайнуллобиддин ал-Хусайний ўзининг мусиқа илмига бағишланган “Рисолаи дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” (“Мусиқа илми ва амалий қоидалари”)номли рисоласида баён этган.

Халқимизнинг маданий хаётида созандаликка, жумладан, дутор чалишга ўргатиш ва ўрганиш қадим қадимдан одатланиб, устоз шогирд тизимида шаклланиб келмоқда. Шу ўринда устоз шогирд анъанасида мусиқий тарбия устиворлик қилади. Мусиқий чолғуларда чалиш, ўрганиш анъанавий ижрочиликнинг мухим омилларидан хисобланади. Устоз шогирд анъанавий ижрочилигида, устознинг ўзи хам созандалик, хам хонандалик санъатини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак.

Шунинг учун ўргатиш ва ўрганиш жараёнининг сиру асрорини билмай туриб, бу анъанани тўлақонли бажара олмайди. Анъанавий ижрочилик, устоз шогирд анъанаси дутор чолғусида хам узоқ ўтмишдан бери ривожланиб келмоқда. Дутор ижрочилигини ўргатиш икки босқичда амалга оширилади:

1. Мустақил кузатган холда кўриш эшитиш орқали идрок қилиш.

2. Кўриш эшитиш ёрдамида махсус ўрганиш.
Мустақил кузатган холда кўриш эшитиш орқали ўрганиш, ўқувчининг мусиқий салохиятига боғлиқдир. Ўрганувчи, ўқитувчи томонидан тақдим этилган асарни, аудио ёзувлар орқали эшитиб, ним пардаларга бўлиб, хаёлан тасаввур қилиб, мустақил равишда куйни хомаки тарзда таёрлайди.
Кўриш эшитиш орқали идрок қилиш асосан тўйларда, гап гаштакларда, базмларда кўриб хотирада сақлаб қолиб ўрганишдир.
Дутор чалишни мустақил эгаллаш учун ўқувчида алохида мусиқий қобилият, мусиқий хотира, ўткир эшитиш ва кузатувчанлик талаб этилади. Ушбу ўрганиш босқичида ўқувчи қўлида чолғу сози бўлмайди. У фақат эшитади ва кузатади. Кўпинча устозлар шогирдлари билан илк учрашувларида, чолғунинг келиб чиқиши, чолғулар орасидаги ўрни хақида маълумотлар беради. Сўнгра кейинги машғулотларнинг вакти ва тартибини белгилаганлар. Интизом анъанавий ижрочиликнинг асосий негизи бўлиб, унга риоя қилмаслик жиддий нуқсон саналади. Демак, шогирднинг бесабаб машғулот қолдириши хусусида гап бўлиши мумкин эмас.
Анъанавий дутор ижрочилигида ўтириш, яъни гавда холатининг уч хил намунаси бор. Дуторчиларнинг кўпчилиги “чордана” қуриб ўтиришади. Ушбу услубда дуторчи созини тутиб туриш учун учта таянч нуқтасидан фойдаланилади: остки таянч (ўнг оёқ), устки таянч (ўнг қўл тирсаги), ён бош (ён таянчи) дир. Бу услуб гавданинг барқарор холатини таъминлабгина қолмай, товушнинг аниқ ифодаланишига хам хизмат қилади[4,36].
Дутор чалишнинг иккинчи услуби “тиззалама” ўтиришдир. Ашула айтиш ва рақс куйларини чалишда бу хилдан кўпроқ фойдаланилади.
Учинчи хил ўтириш холати камдан кам учраб факт аёллар орасида қўлланилади. Бунда тижрочи оёқларини ўнг томонга буриб, чап ёнбошига эгилган холда ўтиради. Барча анъанавий ижрочилик услубларида, чолғуларнинг чап қўл харакатларига алохида эътибор қаратилади. Чунки, дутор созида пардалар қаттиқроқ босиб тортилса, танбур чолғуси бундан мустасно. Агар қаттиқ босиб юборилса оханг сиқилиб қолади.
Дутор чалишнинг анъанавий усулларида апликатура асосан тўрт бармоқдан иборат бўлади. Жимжилоқ бармоғи кучсиз бўлиб, товуш сифатига ижро вақтида таъсир кўрсатиши мумкин. Хозирги даврдаги нотадан ижро этиш услубида тўртинчи бармоқ кўпроқ ишлатилади. Айниқса прима дуторида кенг қўлланилади. Жахон мусика намуналарини ижро этишда, мохирона асарларда қўл келади.
Анъанавий ижрочилик жараёнини ўрганиш, унинг назарий масалаларини ечиш ва амалий хулосалар чиқариш, хозирги замонавий мусиқашуносликнинг асосий вазифаларидан биридир. Бошқа халқлар санъатида бўлгани каби ўзбекларда хам чолғуларнинг техник ижрочилик параметрлари миллий мусика маданиятини шакллантириш муаммоларига алоқадор қатор масалаларни ўрганиш ва ечишда мухим ахамият касб этади. Бу эса касбий ва хаваскор дуторчиларнинг ижодий йондашувчанлигини, ижодий фантазиясини, махорат ва услубларини очиб беришга имкон беради.
Ижодкорлик ва ижрочилик услубларини тадқиқ қилиш, мусиқий материални ташкил қилиш тамойиллари турли услублардаги ижодий тафаккур, анъанавий дутор ижрочилиги сохасида объектив кўрсаткичларини намоён қилади. Хар бир ижрочилик мактаби ва услуби, ўзининг техник ижочилик бойликлари билан тавсифланади. Улар ўз репертуарини созанда ва

тингловчининг эстетик дидига мос равишда танланади. Созанда ижрочиликда ўзига хос услубга эга бўла олмаса, бадиий ютуқларга эриша олмайди. Ижро вақтида "тўсатдан" келган "илхом" ва "завқ" ўзининг бадиий бетакрорлиги билан ажралиб туради. Ижрочилик анъаналарининг ўзига хослигини билмаслик, созанданинг "илхом" ва "завқ"ни сунъий равишда қўзғатишига ва натижада бутун ижрони сунъийлаштирилишига олиб келади.

Кўпчилик дуторчиларда қўллар харкати, мимика ва асар рухига хос ички интилиш каби ижрочилик харакатларига ўзига хосдир. Бу харакатлар жинсий гурухларда турлича кузатилади;

Аёллар ижрочилигида баъзи элементлар эракларникига қараганда кўпроқ ривожланган, баъзилари эса камроқ.

Изланишлар шуни кўрсатадики, анъанавий ва касбий мактабни тугатган дуторчиларда, халқ чолғуларнинг бошқаларида учрамайдиган фақат дуторга тегишли икки овозлиликнинг бетакрор фактураси хақида махсус мусиқий тафаккур ривожланган.

Турли услубларда дуторнинг ўрни ўзига хос талқин қилинади, аммо товуш хосил қилиш тамойиллари, фактура, очиқ торларнинг интервал муносабатлари ва бошқа омиллар барча анъаналар учун умумийдир. Ижрочилик махорати, чалиш маданияти, хар хил зарбларни ва безакларни қўллаш билан асар тароватини бойитиш дуторчининг қасбийлик даражасини белгилашдаги мухим омиллардан хисобланади.

Дуторчи турли мактаб ва услубларининг эстетикаси, усуллари ва репертуарини ўзига хослигини ўрганишга харакат қилади.

Ашула йўлларини дутор чолғусида талқин қилиш бирмунча мураккаб бўлиб. Бунда интонатция туринининг алмашиши натижасида, яъни инсон овозининг хар бир товушини тўлиқ чўзиши. Охангларнинг қўшилиши ва садоланишидан дутор садоси ўзининг қисқа чўзимлари, хар бир зарбнинг урилишидан тезда сўнувчи тонлар ва бошқа табиати билан ажралиб туради. Бундай талқинда асар мазмунига путур етса, у кўп яшамайди. Аммо мохирона талқин қилинган асарнинг умри боқий бўлади. Унинг мазмуни, образи ва вазифа кўлами кенгаяди. Натижада хар бир дуторчиннинг шахсий репертуари ортади. У ўз ижодида фақат маълум вариантлардаги асарларни чалиб қолмасдан, бошқа турдаги асарлар билан хам репертуарини бойитади.

Анъанавий ижрочиликда дуторнинг турли ўзига хос услублари бўлган. Ўтган асрда дуторчиларнинг ижрочилик махоратидан келиб чиқиб, созандаларни "декачи", "ипакчи", "дастачи" деб аташган. Анъанавий ижрочиликда бу атамалар дутор чолғусининг айнан қайсидир томондан етук бўлгандагина қўлланилади. Яъни "ипакчи", мелизм ва кочиримларда етарлича фойдаланиши, "декачи" эса дутор ипак торлар устида мохирона ижро услубига эга бўлиши, "дастачи" чап қўл бармоқларидан чолғусининг коса томонларига чертиб, силаб маромида ижро этишидир. Хозирги даврга келиб, шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатимизда, яхлит бир бутун мустахкам чолғучилар етишиб чикмоқда.

XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек халқ усталаридан Усмон Зуфаров, Матюсуф Харратов, Шорахим Шоумаров ва бошқалар халқ чолғулари асбобларини такомиллаштириш йўлида дастлабки ишларини амалга оширдилар. Уста Усмон Зуфаров 1934 йилда В.А.Успенский таклифи билан санъатшунослик илмий тадқиқот институтида ўзбек миллий чолғуларини такомиллаштириш бўйича ишга рахбарлик қилди. Усмон Зуфаров ва бошқа халқ усталари томонидан ўтказилган тажрибалар асосан сознинг садосини кучайтиришга қаратилаган[5,14].

Ўзбек халқ чолғу асбобларининг такомиллаштириш тўғрисида илк бор В.М.Беляевнинг “Узбекские народние инструмент” китобида эслатиб ўтилган. Халқ чолғуларини такомиллаштириш билан даставвал 1935 йил Хамза номидаги мусиқа мактабида, А.И.Петросянс рахбарлиги остида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борилган. 1943 йилдан бошлаб эса бу ишлар (Тошкент давлат консерваторияси қошидаги) лабораторияда амалга оширилди.

Миллий чолғу асбобларини такомиллаштириш бўйича тажриба илмий ишлабчиқариш лабораторияси ташкил этилиши билан ёзма анъанадаги куйни ижро этиш учун яроқли миллий чолғу асбобларни такомиллаштириш бўйича асосий вазифалардан бир амалда хал этилди.

Милий чолғу асбобларида ёзма соло ва жамоа академик ижрочилиги ўзбек мусиқа маданияти тарихида бутунлай янги ходдисадир. У бир қатор муаммоларни ишлаб чиқишни талаб қилди. Булар:

1. Миллий чолғу асбобларни ёзма анъанадаги композиторлик мусиқасига асос бўлган 12 босқичли бир маромдаги темперация негизида такомиллаштириш.
2. Композиторлик мусиқасини партитура бўйича ижро этувчи кўп овозли ансамбллар ва оркестрларни ташкил этиш бўйича юқори, ўрта ва паст регистрдаги чолғу асбобларни яратиш.
3. Якканавоз ижрочилиги хамда жўрнавоз ижрочилиги ўқув ва бадиий репертуарни яратиш.
4. Бу, ўрта ва олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари концерт ташкилотлари хамда бадиий хаваскорлик жамоалари учун педагогик ва ижрочи кадрларни таёрлаш.
5. Миллий чолғу асбобларини илмий асосда такомиллаштириш ва чолғу асбоблари фабрикаси томонидан созларнинг оммавий равишда ишлаб чиқарилиши учун шароит яратиш[6,22-23].

Такомиллаштирилган чолғу асбоблар замонавий композиторлар яратган куйларни ижро этиш имконига эга бўлди. Миллий чолғу асбобларни такомиллаштирилиши кенг халқ оммасини, айниқса ёш авлодни композиторлик ижодиёти ва миллий чолғу асбобларида, янги “Академик” ёзма санъатидан иборат бўлган ёзма анъанадаги куйни чалиш хамда идрок этишдан бахраманд қилди[7,49].

Такомиллаштирилган созлар ичида дутор, оилаларга ажратилди. Бу дутор оилаларидан жахон мусиқаси намуналарини ижро этиш оммалашиб борди. Аввалги диатоник дутор чолғуси ўрнига хроматик 2 ярим октавага эга бўлган дутор яратилди. Дутор оиласи: дутор алт, дутор прима, дутор тенор, дутор секунда, дутор бас, дутор контробас. Дутор алт, прима, бас, контро бас дуторлари халқ чолғулари оркестр ва ансамбларда кенг ижро этиш ривожланган. Дутор секунда қардош миллатларимиз (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ) куйларини ижро этишда қўлланилади. Секунданинг созланиши ва товуш қатори шу халқлар товуш қатори билан тенглаша олади. Дутор тенор бу анъанавий ижрочиликдаги диатоник дутор. Бу дутор олтин меросимиз шашмақомни ижро этишда қўлланилади.

Ижрочилик аппарати элементларининг мувофиқлаштирилиши турлича бўлиб, доимо нотасиз, оғзаки, ёзувсиз ўрганиш натижасида мусиқий эшитиш ва хотиранинг устунлиги сабабли анъанавий ижрочи академик созандага қараганда қийинчилик сезади.

Бу борада анъанавий дуторчи билан “академик” услубида таълим олган дуторчини таққослайдиган бўлсак, қуйдаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Академик ижро тизими созандани фақат нота билан чекланишига олиб келади. Лекин академик ижрочиликда мукаммаллик ва аниқлик устунлик қилади. Академик ижрочилик кириб келгандан сўнг ўзбек созандалари ўзларини махоратларини жахонга намойим эта олиш

имконига эга бўлдилар. Жахон классик мусиқа дурдоналаридан намуналар ўзбек халқ чолғуларида ижро этила бошланди.

2. Анъанаваий созанда ижро этаётган асарини онгли равишда бадихагойлик асосида эркин ижро этади. Анъанавий ижрочиликда яъни тенор дуторида фақат миллий куйлар, нодир асардаримиздан бўлган “Шашмақом”дан намуналар ижро этилади. Айнан бу дутордаги диатоник пардалар қочирим ва безакларни чалишда қўл келади.

Академик созанда билан анъанавий йўлда ижро қилучи созандалар ўртасида катта тафовут пайдо бўлмоқда. Лекин икки йўл хам ўз холича бир биридан устун туради.

Кейинчалик “академик” созандалар, қадимий анъаналардан ажраганлиги ва “миллий интонация тилига” таёргарлиги йўқлиги учун хам хозирги вақтга келиб икки йўлга ажралди:

1. Академик ижрочилик
2. Анъанавий ижрочилик.

Ўзбекистоннинг барча олийгохларида шу икки йўналиш бўйича тахсил олиб борилмоқда. Анъанавий ижрочилик бўлимида устоз-шогирд анъанасига таянган холда тахсил олиниб, миллий мақом санъатимиз намуналари чуқур ўзлаштирилади. Академик ижрочилик бўлимида эса нота намуналари асосида композитор хамда бастакорлар ижодидан фойдаланилади.

Анъанавий ижрочилик маданияти вакиллари асосан диатоник товушқаторга эга бўлган чолғуларда ижро этишган. Чолғуларни такомиллаштириш натижасида эса диатоник товушқаторлар орасига хас пардалар жойлаштирилиб академик ижрочиликка йўл осчилди. Бу эса жахон классик намуналарини хам ижро этиш имконини яратади. Масалан: Ғижжакда Монтининг “Чардаш”, Паганинининг “Кампанелла” куйларини, дуторда эса балалайкага мўлжалланган асарларни ижро этиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон халқлари этнографияси ва фолклори. Ўқитувчи нашриёти матбаа ижодий уйи. –Тошкент.: 2007. –Б. 8
2. Абдуллаева О. Ансамбль чолғуларини ўрганиш. –Т.: 2006. –Б. 32
3. Тошматова И. Анъанавий дутор. –Т.: 2008. –Б. 9
4. Расултожиев Ж. Дутор ижрочилиги. –Т.: Ўқитувчи нашриёти. –Б. 36
5. Левиев М. Ўзбек чолғусозлик тарихи. –Т.: 2005. –Б. 14. Визго Т., Петросянс А. Оркестр узбекских народних инструментов. –Т.: 1992. –С. 22-23.
6. Визго Т., Петросянс А. Оркестр узбекских народних инструментов. –Т.: 1992. –С. 49
. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In *Archive of Conferences* (pp. 44-48).
4. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. *Zien Journal of Social Sciences and Humanities*, *1*(1), 196-199.
5.Murodova, D. (2022). ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ. *Science and innovation*, *1*(B6), 702-707.
6.Murodova, D. R. Q. (2023). BO ‘LAJAK MUSIQA TA’LIMI O ‘QITUVCHILARINING BADIIY-ESTETIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH MAZMUNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, *3*(2), 644-649.

7.Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(05), 245-250.
8.Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In *Archive of Conferences* (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
9.Nasretdinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. *Scientific progress*, *3*(2), 846-850.
10.Муродова, Д. (2023). БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Актуальные проблемы гуманитарных и социальных наук., 3(S/4), 434-438.

WORDLY
KNOWLEDGE